

МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ «ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Шибоев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (+99893) 935 07 65, 91-462 41 58,
Аудиторлик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 йилдаги № 00774 рақамли лицензияга эга. Х/р
2208000904162711001 ЎзСҚБ Қашқадарё минтақавий филиали МФО 00854 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Буюртмачи: "Жомбойдонмаҳсулотлари" АЖ х/р 20208000500193759001 АТБ "Агробанк" Жомбой филиали МФО 00270 СТИР: 200736447 ОКЭД: 10610

Манзили: Самарқанд вилояти, Жомбой шаҳри, Буюк шпак йули кучаси, 1-уй

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Шибоев кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЭД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Ўзсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854) аудитори Хужакулов Азамат Уралович (аудитор малака сертификатига № 05590 берилган санаси 07.02.2019 й.) хўжалик юритувчи субъект "Жомбойдонмаҳсулотлари" АЖ нинг «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-шакл, «Пул оқимлари» тўғрисидаги ҳисобот 4-шакл, "Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот" (5-шакл) иборат 2020 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини **мажбурий** тарзидаги аудиторлик текширувдан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Жомбойдонмаҳсулотлари" АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "Жомбойдонмаҳсулотлари" АЖ нинг 2020 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор
23-март, 2021 йил



А.У. Хўжакулов